

Ишчи гуруҳнинг навбатдаги ўрганишлар ўтказилди



Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида" ва "Реклама тўғрисида"ги Қонунлари ижросини таъминлаш, шунингдек, ташқи ёзувларнинг давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганиш мақсадида туман ҳокимлиги ҳузурида тузилган Ишчи гуруҳ томонидан жойлардаги мониторинг ишлари давом эттирилмоқда.

Навбатдаги ўрганишлар "Шароф Рашидов" ва "Қуёшли юрт" маҳаллаларида жойлашган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларида ўтказилди.

Туман ҳокимининг маслаҳатчиси К.Худойбердиев ва Маънавият ва маърифат маркази бўлинмаси раҳбари Ё.Мустанов иштирокида сотувчилар ва мулк эгалари билан учрашувлар ташкил этилиб, уларга амалдаги қонунчилик талаblари юзасидан тушунтириш ҳамда тегишли тавсиялар берилди.

Мазкур ўрганишлар натижасида ташқи ёзувларни давлат тили меъёрларига мослаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.